

**РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**

Тошкент вилояти  
Адлия бошқармаси

**ТАСДИҚЛАНДИ**

ХС "ANGREN PACK" АЖ  
акциядорларининг умумий йиғилиши  
**№01-сон 03 июн 2015й.**

**Хорijiy sarmoyali  
«ANGREN PACK»  
aksiyadorlik jamiyati**

**Н И З О М И**

Ангрен ш.  
2015 йил

Мазкур «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## 1-модда

### ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ, ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1.1. Жамиятнинг номи:

давлат тилида:

тўлиқ – **Xorijiy sarmoyali «ANGREN PACK» aksiyadorlik jamiyati;**

қисқартирилган - **XS «ANGREN PACK» AJ;**

инглиз тилида:

тўлиқ - **«ANGREN PACK» foreign investments joint stock company;**

қисқартирилган - **«ANGREN PACK» FIJS company;**

рус тилида:

тўлиқ – **акционерное общество «ANGREN PACK» с иностранными инвестициями;**

қисқартирилган – **АО ИИ «ANGREN PACK».**

1.2. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ қишлоғи.

1.3. Жамият электрон манзили: [angrenpack@gmail.com](mailto:angrenpack@gmail.com).

1.4. Хорижий сармоя иштирокидаги очик акциядорлик жамияти шаклидаги «Sanoatqalinq'ogozsavdo» корхонаси (бундан бён Жамият) «Промкартонторг» ОАЖ ни акциядорларнинг 2002 йил 14 мартдаги 1-сонли умумий йиғилиши қарорига мувофиқ қайта ташкил этиш асосида тузилган бўлиб, Жамият «Промкартонторг» ОАЖ нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, аввал имзоланган шарномаларни ижро этиш борасида тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Акциядорлик 2012 йил 29 июндаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ жамият ХС «Sanoatqalinq'ogozsavdo» ОАЖнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан аввал имзоланган шарномаларни ижро этиш борасида тулик ҳуқуқий вориси ҳисобланувчи «Хорижий сармояли «ANGREN PACK» очик акциядорлик жамияти» деб қайта номланди.

Акциядорлик 2014 йил 4 июндаги умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2014 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан жамият номи Хорijiy sarmoyali «ANGREN PACK» ochiq aksiyadorlik jamiyatidan «Хорijiy sarmoyali «ANGREN PACK» aksiyadorlik jamiyati» деб қайта номланган бўлиб, Хорijiy sarmoyali «ANGREN PACK» ochiq aksiyadorlik jamiyatining ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, аввал имзоланган шарномаларни ижро этиш борасида тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланади. (кейинги уринларда Жамият).

1.5. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинандиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлади.

1.8. Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.9. Жамият акцияларнинг сотиб олиниши ҳисобига ўтказиб берилган, ўз фаолияти натижасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳилоф бўлмаган бошқа асосларда олинган ва қўлга киритилган мол-мулкнинг мулкдори бўлиб ҳисобланади.

1.10. Жамият ўз ихтиёридаги мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини ўз фаолиятининг мақсадларига ва мол-мулкнинг вазифасига мос равишда амалга оширади.

Жамият молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қонунчиликка мувофиқ равишда барча турдаги шартномавий муносабатларга киришишга ҳақли.

1.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Жамият давлатнинг ва ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди худди шунингдек давлат жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Жамият шуъба ва тобе жамиятлар, унитар корхоналарга эга бўлиш, қўшма корхоналар, филиаллар тузиш ҳамда ваколатхоналар очиш, иттифоқлар ва уюшмаларга аъзо бўлиб киришга ҳақлидир. Филиаллар ва ваколатхоналарнинг раҳбарлари Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритадилар.

## **2-модда**

### **ФАОЛИЯТ МАҚСАДИ ВА ПРЕДМЕТИ**

2.1. Жамиятнинг мақсади устав фаолияти орқали фойда олишдан иборат.

2.2 Жамият фаолиятининг асосий йўналиши картон (қалин қоғоз), буклама картондан кадоқлаш қутилари, санитария-гигиена қоғозлари ва бошқа турдаги картон-қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Жамият Қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

Агар муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этилса, Жамият ана шу турдаги фаолиятни рухсат олганидан кейин амалга оширади.

## **3-модда**

### **ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ**

3.1. Жамиятнинг Устав фонди 609 588 000 (Олти юз тўққиз миллион беш юз саксон саккиз минг) сўмни ташкил этади, бу Адлия бошқармасида 2009 йилнинг 24 июлда рўйхатган олинган кунидаги ЎзР Марказий банкнинг 1 АҚШ доллари 1487,81 сўмни ташкил этган курси бўйича валюта эквивалентида 409 722 АҚШ долларига тенг.

Устав фонди 406392 дона ҳужжатсиз шаклда чиқарилган оддий номи ёзилган акцияларга тақсимланган.

Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил ва 1500 сўмни ташкил этади.

3.2. Жамият Устав фондидаги улушлар қуйидагича тақсимланган:

25 фоиз, ёки 155 341 500 (Бир юз эллик беш миллион уч юз кирк бир минг беш юз) сўмлик 103 561 дона акция, Ўзбекистон томонига тегишли бўлиб, шу жумладан 25 фоизи, ёки 152 397 000 (Бир юз эллик икки миллион уч юз тўқсон етти минг) сўмлик 101 598 дона акцияга давлат эгалик қилади;

0,48 фоиз, ёки 2 944 500 (Икки миллион тўққиз юз кирк тўрт минг беш юз) сўмлик 1 963 дона акцияга Ўзбекистон Республикаси резидентлар – жисмоний шахслар эгалик қилади;

Хорижий томон – 74,52 фоиз, ёки 454 246 500 (Турт юз эллик турт миллион икки юз кирк олти минг беш юз) сумлик 302 831 дона акция, жумладан:

53,05 фоиз, ёки 323 400 000 (Уч юз йигирма уч миллион турт юз минг) сумлик 215 600 дона акцияга «Paper Mill Holding s.r.o.» (Чехия Республикаси);

21,47 фоиз, ёки 130 846 500 (Бир юз уттиз миллион саккиз юз кирк олти минг беш юз) сумлик 87 231 дона акцияга жисмоний шахслар – Россия фукарolari эгалик қилади.

Ўзбекистон ва хорижий томонларнинг нисбий улуши кейинчалик ўзгариши мумкин.

3.3. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.3.1. Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.3.2. Қўшимча акциялар жамият томонидан хар бирининг номинал қиймати 1 500 (Бир минг беш юз) сум булган 2 500 000 (Икки миллион беш юз минг) дона эълон қилинган оддий акциялар доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

Эълон қилинган акциялар билан боғлиқ равишда Жамият Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.4. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди

Жамиятни таъсис этиш чоғида акцияга тўланадиган ҳақ сифатида топширилаётган мол-мулкнинг пулдаги баҳоси акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан чиқарилади. Агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида топширилаётган мол-мулкнинг пулдаги баҳосини мустақил нархловчи чиқариши керак.

Акциялар ҳақи сифатида топшириладиган мол-мулк турларига чекловлар Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

3.5. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.6. Устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

#### **4-модда**

### **ЖАМИЯТ ФОНДЛАРИ**

4.1. Жамият Устав фондининг 15 фоизи миқдорида Захира фондини тузади. Жамиятнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар хар йили соф фойдадан 5 фоизлик мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

4.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

## 5-модда

### ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпик обуна воситасида жойлаштириш мумкин.

Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни дастлабки жойлаштириш шунингдек қўшимча тарзда чиқарилган ацияларни жойлаштириш Жамият томонидан очик обуна воситасида ўтказилади, устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтирилган ҳолатда – ёпик обуна бўйича акциядорлар ўртасида аввал кичикроқ номинал қийматда чиқарилган қимматли қоғозларни конвертация қилиш йўли билан амалга оширилади.

5.2. Жамият томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошка эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.3. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш бозор қийматида қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилган чоғда акциядорлар 30 кун ичидаянги чиқарилган акцияларни ўзларига тегишли ҳиссаларига муносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.5. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг, агар жамият уставида назарда тутилган бўлса, жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида, шунингдек кейинчалик қайта сотиш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўзининг жойлаштирилган акцияларини сотиб олишга ҳақлидир.

Жойлаштирилган акцияларни жамият томонидан сотиб олиш тартиби амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

## 6-модда

### АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Акциядорлар:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва Жамият бошқаруви мансабдор шахсларнинг уқувсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- ўз акцияларини эркин тасарруф этиш;

-қўшимча акцияларни чиқариш орқали став фонди кўпайтирилган тақдирда, янги чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш;

-ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

-қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонунчиликда ва мазкур уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига эга бўлган акциядорлар, ўз ҳисобидан жамиятда мустақил аудит текшируви ўтказишга ҳақлидир.

6.2. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

жамият қайта ташкил этилганда;

акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинган санада Жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ қисмини ташкил этувчи йирик битим амалга оширилганда;

жамият уставига акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганда ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай талаб қилиши ҳуқуқи башарти акциядорлар тегишли қарорлар қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар вужудга келади.

Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларни жамият қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи борлигидан, қайтариб сотиб олиш баҳоси ва уни амалга ошириш тартибидан хабардор этиши шарт.

6.3. Акциядор ўз акцияларини исталган бошқа шахсга сотиш ёки ҳадя қилиш ҳуқуқига эга.

Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кириш ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайдан эътиборан ўтади.

6.4. Акциядорлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

- бажарилиши оқибатида Жамиятга зарар етказилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

- акциялар ҳақини қонунчиликда, Уставда ҳамда акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатларда, тартибда ва усулларда тўлаш;

- Жамият Устави ва бошқарув органлари қарорлари талабларини бажариш;

- Жамият фаолиятига тегишли маслаларнинг махфийлигини сақлаш;

- қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа бажбуриятларни амалга ошириш.

## **7-модда**

### **АКЦИЯДОРЛАР РЕЕСТРИ ВА АКЦИЯЛАРНИ САҚЛАШ**

7.1. Жамият акциядорлари реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

7.2. Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

7.3. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва эмитент томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг муайян санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган реестри асосида амалга оширилади.

Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир шахс, унинг номига ёзилган акциялар сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

7.4. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. У ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, шунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди.

7.5. Акциядорлик жамияти, Марказий депозитарий ва қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари билан биргаликда жамият акциядорлари реестридаги маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилиги учун жавобгар бўлади ва ўзларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан акциядорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

7.6. Акцияларни сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида амалга оширилади.

## **8-модда**

### **ДИВИДЕНДЛАР**

8.1. Дивиденд фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлик жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир.

Жамият эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Акциядорлар жамиятининг Умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.2. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида, агар қонунчиликда ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

8.3. Дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-ҳўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, оралиқ дивидендлар тўлаш тақиқланади.

Жамият куйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

-Жамият устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунча;

-агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

-жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фондлари суммасидан кам бўлса.

8.4. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан белгиланади ва шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу ҳолда валюта эквиваленти айирбошлаш санасида мавжуд бўлган курс бўйича шакллантирилади.

8.5. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

8.6. Эмитент акциядорларнинг Умумий йиғилиши белгилаган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка эга бўлади.

Акциядор Жамият эълон қилган дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

8.7. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

8.8. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади, тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади.

## **9-модда**

### **ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

9.1. Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, қузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) бошқаради, уларнинг фаолияти XS «ANGREN PACK» АЖ акциядорларининг умумий йиғитлиши тўғрисидаги, Қузатув кенгаши тўғрисидаги, Бошқарув тўғрисидаги Низомлар, Жамият Устави, шунингдек Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.2. Жамият Қузатув кенгаши аъзолари, яққабошчилик асосидаги ижроия органи ва коллегиял имжроия органи аъзолари Жамият олдида қонунчиликка ва Жамият Уставига мувофиқ жавобгарликка эгадирлар.

Бу ҳолда жамиятга зарар етказилишга сабаб бўлган қарор учун овоз беришда иштирок этмаган ёки қарши овоз берган Қузатув кенгашининг аъзолари жавобгар бўлмайдилар.

## **10-модда**

### **АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМий ЙИҒИЛИШИ**

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

10.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишлардан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Қузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, жамият тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

10.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини Жамиятнинг Қузатув кенгаши белгилайди.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар қиради:



Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш (агар бу ўзгаришлар устав фондини қўйшимча акциялар чиқариш ҳисобга кўпайтириш билан боғлиқ бўлмаса), ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ва Тафтиш комиссиясига мукофотлар ва /ёки компенсация тўлаш;

жамиятнинг устав фондини кўпайтириш (агар кўпайтириш акцияларнинг номинал қийматини ошириш исобюига амалга оширилмаётган бўлса);

жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), агар бу Бошқарув Раиси ёки аъзосининг ваколатларини муддатидан аввал тўхатилиши билан боғлиқ бўлмаса;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколатига қирадиган масалаларга доир, шу жумладан, жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;

умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

тузилишидан Жамият мансабдор шахсларининг, Кузатув кенгаши аъзоларининг ёки акциядорларнинг манфаатдорлиги бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши тўғрисида қуйидаги ҳолатларда қарор қабул қилиш:

-агар битим бўйича тўланадиган ҳақ суммаси ва битимга сабаб бўлган мол-мулк қиймати Жамият активлари қийматининг беш фоизидан ортиқ бўлса;

-агар битта битим ва (ёки) ўзаро боғлиқ бўлган бир неча битим жамиятнинг овоз берувчи акцияларини ёки овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган бошқа қимматли қоғозларини илгари жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг беш фоизидан ортиқ миқдорда жойлаштиришдан иборат бўлса;

акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинган санада Жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ қисмини ташкил этувчи йирик битим амалга ошириш масаласида қарор қабул қилиш

ушбу Уставда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган жамият акциядорлари (акциядори) жамиятнинг молия йили тугагандан кейин узоғи билан 60 кун ичида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши, ижроия органи ва жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

## **11-модда**

### **КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлайди, Жамиятни ривожлантиришнинг ва фаолиятининг акциядорлар Умумий йиғилиш қарорларидан, Жамият Уставидан ва “XS «ANGREN PACK» AJ кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом” талабларидан келиб чиқадиган асосий йўналишларнинг стратегияси ва режаларини белгилаб беради.

11.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;
- агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат маесадаларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш, агар бу жамият уставига кўра акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- битим тузиладиган санага нисбатан Жамият активлари қийматининг 15 дан 50 фоизигача миқдорини ташкил этувчи мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан

боғлиқ йирик битимлар тузиш; (84-модданинг 1-биринчи қисми қаранинг)

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра қуйидагилар жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қозғаларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қозғаларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият қузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият Қузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан бешта аъзо таркибида бир йиллик муддатга кумулятив овоз бериш йўли билан сайланадилар. Қузатув кенгашининг Раиси Қузатув кенгаши аъзолари томонидан ўз таркибидаги аъзолар ичидан сайланади ва қайта сайланади.

Жамият Қузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди. Жамият Бошқарувининг аъзолари Қузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг қузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.5. Қузатув кенгаши аъзолари жамият олдида қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

## **12-модда**

### **ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

12.1. Жамиятнинг қундалиқ фаолиятига раҳбарлик Жамиятнинг коллегиял ижроия органи – бошқарув томонидан амалга оширилади.

12.2. Бошқарув акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан бешта аъзо таркибида бир йиллик муддатга сайланади. Бошқарувга Раис раҳбарлик қилади ва уни тайинлаш тўғрисидаги қарор одатда хорижий менежер ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида тайинланади.

Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзоси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда акциядорларнинг Умумий мажлисида янгиси тайинлангунга қадар қузатув кенгаши унинг вазифасини бажарувчи шахсни тайинлайди.

12.3. Бошқарув ваколатларига Жамиятнинг қундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Қузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бошқаруви Жамиятнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятини таъминлайди, акциядорлар Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади ва акциядорлар Умумий мажлиси, кузатув кенгаши томонидан ва “XS «ANGREN PACK» АЖ Бошқаруви тўғрисидаги Низом” да белгиланган ваколатлар доирасида иш юритади.

12.4. Коллегиал Бошқарувнинг мутлақ ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Жамият активлари баланс қийматининг 15 фоизигача миқдорини ташкил этувчи мол-мулкни бевосита ёки билвосита бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

Жамият бизнес-режасида акс эттирилган мол-мулкни сотиб олиш ва маъмурий чиқимлар сметаси доирасида харажатларни амалга ошириш масалаларини ҳал этиш;

кредит шартномалари ва битимлари тузишнинг мақсадга мувофиқлиги масласини ҳал этиш;

давлат идораларига тақдим этиладиган йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш.

Жамият бизнес-режасини ишлаб чиқиш.

12.5. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси Жамият фаолиятининг алоҳида йўналишларига раҳбарлик ва мутасаддилик қилади, у Бошқарув раисининг ана шу масалалар бўйича ўринбосари бўлиши ва бажарилиши учун шахсан жавоб берувчи функционал мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

12.6. Жамият Бошқарувининг раиси умумий раҳбарликни амалга оширади, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ташкил этади ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви тўғрисидаги Низом асосида Коллегиал Бошқарув ваколатига киритилган масалалардан ташқари Жамият фаолиятига тегишли барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Бошқарув раиси йиғилишлар ўтказилишини ташкил этади, Жамият номидан ҳар қандай ҳужжатларни ҳамда бошқарув мажлислари баённомаларини имзолайди.

12.7. Бошқарув раиси ва аъзолари билан шартномани Жамият номидан Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Бошқарув аъзосининг бошқа ташкилотларнинг бошқарув органлардаги лавозимлар билан кўшиб олиб боришига фақат кузатув кенгашининг розилиги билан йқл қўйилади.

12.8. Бошқарув раиси ва аъзолари жамият олдида қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

### 13-модда

#### ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши уч кишидан таркиб топган **тафтиш комиссиясини** сайлайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”да ва қонунчиликда белгилаб қўйилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулоса тайёрлайди, бу хулосада: ҳисоботларда ва жамиятнинг бошқа молия ҳужжатларида акс эттирилган маълумотлар қай даражада тўғрилигига баҳо берилади, шунингдек молия-хўжалик

фаолятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот берилади.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

13.2. Жамият фаоляти устидан ички назорат **ички аудит хизмати** томонидан амалга оширилади ва у Кузатув кенгаши олдида ҳисобдор ҳисобланади.

Ички аудит хизмати Бошқарув, ваколатхоналар ва филиаллар томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали уларнинг ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

13.3. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаоляти акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ҳолис, жамият ҳамда акциядорлар билан мулкӣ ва бошқа турдаги манфатлари жиҳатидан боғлиқ бўлмаган **аудитор ташкилоти** томонидан ҳар йили текширишдан ўтказилади.

Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ жамиятнинг молия-хўжалик фаолятини текширганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

## 14-модда

### ҲИСОБ-КИТОБ ВА ҲИСОБОТ

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

14.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият Бошқаруви раиси зиммасида бўлади.

14.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги ҳолис аудитор ташкилоти хулосаси билан тасдиқланиши лозим.

14.4. Бошқарув Жамиятнинг жорий фаоляти юзасидан чораклик ҳисоботларни тайёрлайди ва уларни Жамиятнинг кузатув кенгашига тақдим этилади.

Чораклик ҳисоботлар Жамият фаолятини бошқариш ва унинг молиявий аҳволи борасида тўлиқ маълумотларни ўз ичига олади ва унга Бошқарув раисининг Кузатув кенгашига киритиладиган маърузаси илова қилинади, маърузада Жамиятнинг ўтган чоррак давомида амалга оширган амалиётларининг натижалари, шу жумладан айни вақтда тугалланмаган амалиётлари акс эттирилади.

## 15-модда

### ЖАМИЯТГА ДОИР АХБОРОТ

15.1. Қуйидагилар Жамият сақлаб қўйиши шарт бўлган ахборот ҳисобланади:

Жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни,

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани;

таъсис ҳужжатлари, Давлат мулк қўмистаси буйруқлари, хос рақамлар берилганига доир ҳужжатларни;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамиятни бошқаришнинг бошқа органлари тасдиқлайдиган ҳужжатларни;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

йиллик молия ҳисоботини;

акциялар эмиссияси маълумотномасини;

бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молия ҳисоботига доир ҳужжатларни;

акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарув, мажлисларининг баённомаларини;

жамият аффилланган шахсларининг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини;

қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан олинган жамиятлар акциядорлари реестрларини;

тафтиш комиссиясининг, аудиторнинг, давлат молия назорати органларининг хулосаларини;

Жамият бошқарув органларининг қарорларида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни сақлаб қўйиши шарт.

Ҳужжатларни сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида» ги қонуни ҳамда Жамиятга оид ахборотни сақлаг борасидаги ички Низом билан тартибга солинади.

15.2. Жамият ушбу Қонун уставнинг 15.1-бандида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек жамият директорининг (бошқарув раисининг) буйруқлари ва жамият акциядорларининг реестри мустасно.

Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

15.3. Акциядорлик жамияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ахборотни ҳисоботларни, маълумотномаларни ва бошқа турдаги ахборотларни тақдим этиш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ошкор қилиши шарт.

## 16-модда

### ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чикариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

16.2. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган жамиятларнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16.3. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишининг ҳукмига жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ва унинг таркибига давлат мулкни тасарруф этуви орган вакилининг киритилиши тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

Акциядорлик жамияти суднинг қарори билан тугатилганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этади.

Жамиятни тугатиш тартиби ва мол-мулкни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

16.4. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қўйган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

## **17-модда**

### **ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА**

17.1. Мазкур уставда ўз аксини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қоунлар ва бошқа меёрий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

17.2. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида Жамият уставида белгиланганидан бошқача қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, қонунчилик қоидаларига риоя этилади.

Бошқарув раиси  
М. Диттрих